

СЕДЬМАЯ

МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

ПО КОМПЬЮТЕРНОЙ ОБРАБОТКЕ

ТЮРКСКИХ ЯЗЫКОВ

«TURKLANG 2023»

Труды конференции

КАЗАНЬ
2023

УДК

**СТИЛИ ЖАНРА СКОРОГОВОРКА
В СОВРЕМЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ**

В статье высказано мнение, что творческие примеры стилизации жанра скороговорок, связанных с фольклором, в узбекской детской литературе показывают важные аспекты поэтики литературных декламаций с точки зрения формы, языка и словоупотребления.

Ключевые слова: фольклор, детская литература, скороговорка, стилизация, стилизованный фольклоризм.

**ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТДА ТЕЗ АЙТИШ
ЖАНРИ СТИЛИЗАЦИЯСИ
Ражабова Раъно Зариповна**

*БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)*

Маколада ўзбек болалар адабиётида фольклорга алоқадор тез айтиш жанри стилизацияси борасидаги ижод намуналари адабий тез айтишлар поэтикасининг шакл, тил ва сўз кўллаш бўйича муҳим қирраларини ўзида намоён этганилиги ҳақида фикр билдирилган.

Калит сўзлар: фольклор, болалар адабиёти, тез айтиш, стилизация, стилизацион фольклоризм.

STYLES OF THE FAST SPEECH GENRE IN MODERN LITERATURE

In the article, it is expressed the opinion that the creative examples of the stylization of the genre to say quickly to folklore in Uzbek children's literature show the important aspects of the poetics of literary quick to say in terms of form, language and word usage.
Key words: folklore, children's literature, patter, stylization, stylized folklorism.

Катталар адабиётидан кўра болалар адабиётида фольклор жанрлари, образ ва мотивларига мурожаат янада кўпроқ кузатилади. Хусусан, болалар фольклорига алоқадор алла, эркалама, хукмлагич, шунингдек, ҳам катталар, ҳам болалар фольклорига тегишли эртак, топишмоқ, тез айтиш сингари жанрларнинг шакли, ифода услуби, образ ва мотивларига айрим ижодкорлар қайта ишлов бериши натижасида стилизацион фольклоризм кўринишлари пайдо бўлади.

Тез айтишлар болалар фольклорида маънавий ўйин турларидан бири бўлиб, кичкитойлар адабиётида кўп стилизация қилинган жанрлардан ҳисобланади. Сабаби шуки, болалар нутқини ўстиришда, тилида талаффуз билан боғлиқ камчиликлар, дудукланиш ҳолатлари бўлса, уларни тўғрилаш ва бартараф қилишда, аклий ўткирлик ва сезигрликни тарбиялашда тез айтиш ўйинининг аҳамияти катта. Худди

шу маънода улардан ўқитувчилар дарс жараёнида ҳам фойдаланиб келаётганларини алоҳида таъкидлаш жоиз[1]. Аслида азалдан мана шундай тарбиявий мақсадларда ҳалқ орасида кўплаб тез айтишлар яратилган. Бу жараён ёзма ижодга ҳам қўчган. Ўзбек адабиётида биринчилардан бўлиб бу борада фаолият юритган шоир Қуддус Мұхаммадий бўлиб, у тилни бурро қилувчи ҳалқ тез айтишларининг шакли ва ритмидан ижодий фойдаланиб, адабий тез айтиш жанрини стилизация асосида шакллантириди. Шоир ўзининг гуллар бадиий тавсифига бағишиланган «Уртўқмоқгул» шеърий тез айтишида болаларга шу номдаги гулни таништиришдан ташқари, унинг номидаги «Р», «Л», «Қ» товушларини тўғри талаффуз қилишга ўргатишни кўзда тутган [2]. Чунки ёш болалар кўпинча бу товушларни, яна шунга ўхшаш *и*, *ч*, *с*, *з* каби нутқ товушларини тўғри талаффуз қилишда қийинчиллик сезиб, гоҳида кулгига ҳам қолишади. «Шоир шу холатни чукур хис этганидан бу товушлар фаол қатнашадиган «уртўқмоқгул» сўзларига оҳангдошлиқ хосил қиласидиган сўз ва иборалардан фойдаланиб, риторик сўрок ва поэтик инкор санъатлари воситасида шеърий тез айтишнинг равон ва ўйноқи намунасини тўқиган»[3].

Шоир Собит Фафуров ҳам топишмоқ ва тез айтишлар болаларнинг ақлини пешлаб, тилларини бурро қилишда муносиб кўмакчи бўлишини инобатга олиб, кичкинтойларга бағишилаб шу жанрдаги асарларни яратган[4]. Хусусан, шоир Набижон Эрмат ўнлаб тез айтиш ва топишмоқ китоблари билан янада шуҳрат қозонган. У ўзининг юзта тез айтишини ўзбек алифбосидаги барча ҳарфлар асосида яратган. Масалан: «Асал аммам азонда Аслилдинни аллалаб алла айтди», «Буви бувага бугундан бошлаб бузоқ бокишини буюрди», «Ваққоснинг виз-визаги виз-визлаб визиллади», «Гулшоданинг гулзоридаги гулларнинг гулғунчаси гуркираб гуллади», «Дадаматнинг дехқончилик даромади Давронбекнинг дехқончилик даромадидан дурустроқ», «Етти-етти, етмиш етти, еттимнинг емиши етди», «Ёркентлик Ёвқоч ёшлигидан, ёлғиз ёвғоншўрвани ёқтиради», «Жиккак жиблажибон жийдазордаги жонсарак жажжи жўжаларга жик-жикларди», «Зафар Зарифнинг зардали Зарбасини заруратдан зўрга заифлаштириди», «Ишибилармон ишбайчи истар-истамас ишшайиб ишларди», «Йилқибокар Йигиталининг йилқилари Йўлдошли йилқиларидан йироклашмокда», «Кўкламда кўкарган кўм-кўк кўкатлар кеч кузгача кўркамлигини кўрсатди», «Лалмизордаги лоларанг лолақизғалдоқлар лолалардек лов-ловланарди», «Манзуранинг маҳорат мавзусидаги манзумаси мазмунли», «Низомжон найзабозлиқда намунали натижани нишонлади», «Обиддин олмазорларини обдон ободонлаштириб обрў олди», «Пирназар пучуқнинг пўписали писандасини Пирнафас пучук

пайқамади», «Рассомнинг рангтасвиридаги расмлари росмана рангли расмлардир», «Саккиз сада салкинида саксон саккиз сулув саман салқинламоқда», «Тоштемир тоштарош тошлокдаги тошлар тўдасидан тарошланган тош топди», «Устоз Улуғмурод устанинг усули устахонадаги устанинг усулидан устунроқ», «Фахрий фахрийлар фаровонликдан фаҳрланиб фароғатландилар», «Холмўминнинг хоҳишини Холхўжа хоҳламади», «Чустлик Чори, Чақчамлик Чоридан чанг чолгусини чақконроқ чалди», «Шавкат шом шабадасида шабнамга шайдо», «Этикуз эркатойларнинг этикчаларини эътиrozсиз эпақалаштириди», «Юк юкловчи юкларни юқори юхонага юклиди», «Ямин яйловда ялтираган яхга яқинлашди», «Ўтов ўртасида ўтирган ўттиз ўрток ўртасидан ўқилон ўтди», «Қизил кўнғиз кўнғиз қароргоҳида қариндошлардек кўноклади», «Ғала-ғовур галаён Ғуломни ғамгинлатди», «Ҳазил-хузулли ҳамсухбат ҳамиша ҳузурлидир» шулар жумласидандир[5].

Тез айтиш боладан такрор-такрор ўрин алмашиниб келадиган товушлардан иборат сўз ва бирикмалар асосида тузилган матнни тез-тез, аниқ артикуляция билан равон ритмда, нутқ органларини тез ва тўғри харакатлантирган ҳолда талаффуз қилишни талаб қиласиди. Бу ўзига хос қийин талаб ва синовдир. Шунинг учун бу каби матнлар «тез айтишлар» номини олган.

Бошида қийин туюлган тез айтишлар бир неча марта такрорланганидан сўнг тўғри айтила бошланади. Тез айтишда, айниқса, товушларнинг талаффузи тўғри ва аниқ бўлишига аҳамият берилади.

Набижон Эрмат қаламига мансуб тез айтишлар, асосан, ёйик содда гап тузилишида яратилган. Улар кўпинча дарак гап шаклида учрайди. Масалан: «Дарбадар дарвешлар дунёning дардидан дардлашдилар». Бу тез айтиш матнида «дарвешлар» эга, «гаплашдилар» кесим бўлиб, предикатни ташкил қиласиди. «Дарбадар» сифати эга учун сифатловчи аниқловчи вазифасида келган. «Дунёning» сўзини ифодалаган от қаратқич келишигини олиб, гапда чиқиши келишигидаги от билан ифодаланиб келган воситали тўлдирувчи «дардидан» сўзига қаратқич аниқловчи бўлган. Шунинг натижасида фикр ёйик содда гап кўринишида ифода этилган.

Ижодкор яратган қуйидаги тез айтишлар қўшма гап кўринишидадир: «Жўра жўрга жўр бўлди, жўр Жўрага жўр бўлди», «Илмлиларнинг илмлилиги илмдан, илмсизларнинг илмсизлиги илм истамасликдан». Бу тез айтишлар боғловчисиз боғланган қўшма гап шаклида шакллантирилган.

Набижон Эрматнинг риторик сўрок гап ёки ундов оҳангли сўрок гап шаклида яратилган тез айтишлари ҳам бор: «Гадой гарангга гангур-

гунгур гапирдими, гаранг гадойга гунгур-гунгур гапирдими?», «Ириллаган ит иргишилайдими, иргишиллаган ит ирилладими?!» каби.

Шунингдек, ижодкор Н.Эрматнинг шеърий кўринишида ҳам тез айтишлари мавжуд:

Нурда дурлар нурландими?
Нурлар дурда нурландими?

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фольклорга хос тез айтишларда ҳалқнинг донишмандлиги, қуйма бадиий сўз санъати ярқ этиб кўзга ташланади. Яна мантикий фикр ҳам эътиборни тортади. Бундан ташқари тез айтишда иштирок этувчи аллетеरацион товуш талаффуз қилишда қийинчиллик туғдириб, сўзловчининг тутилишига сабаб бўлади. Яъни, унинг «тутал» деб айтиладиган иккинчи номи ҳам шундан олинган. Масалан, б сўздан иборат:

Қишида кишиши пишмасмиш,
Пишиша кишиши қишиши,

тез айтишида шундай маънавий ўйин моҳияти ойдинлашади. Юқорида санаб ўтилган адабий тез айтишларнинг баъзисида эса шу жанрга хос белгилар стилизацияси кўринмаслигини ҳам кузатиш мумкин. Айтайлик, Н.Эрмат қаламига мансуб тез айтишлар ичida «Ямин яйловда ялтираган яхга яқинлашди», «Зафар Зарифнинг зардали Зарбасини заруратдан зўрга заифлаштириди» кўринишидаги тез айтишлар шу мантиқдан узоклашган, факат товуш такроригагина эътибор қаратилгандай туюлади. Назаримизда, адабий тез айтишлар ҳам аввало ёш авлодга маънавий ва эстетик завқ уйгота олсагина кўзланган мақсадга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1. Абдуллаева Қ.** Нутқ ўстириш. Бошланғич синф ўқитувчилари учун қўлланмана. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 118 б.
- 2. Ирисхўжаева С.** Шоир ва мураббий. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б.27.
- 3.Сафаров О.** Шеърим – очил дастурхон. Таниқли болалар шоири, Ўзбекистон ҳалқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори Қудус Муҳаммадий сиймосига чизгилар. – Тошкент: Мусиқа, 2011. – Б.64.
- 4.Гафуров Собит.** Топагон бола: тез айтишлар, хандалар, топишмоқлар. (Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун). – Тошкент: Юлдузча, 1988. – 46 б.
- 5.Nabijon Ermat.** 100 topishmoq va tez aytishlar. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2016. – B.33-43.

faoliyat yuritishlarida biroz qiyinchilik tug‘dirishi mumkin ekan.

Shuningdek, axborotni tahlil qilish va sintez qilishda, axborotni birlashtirishda o‘quvchilarda individuallik qobiliyatini yetarli darajada shakllantirish muhim ahamiyatga ega. Bu esa o‘z navbatida boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida kreativ tafakkurni shakllantirish uchun muhim asos bo‘lib xizmat qilishi mumkin ekan.

O‘quvchilarda kreativ tafakkur xususiyatlari darajasini aniqlash va shu asosida uni shakllantirish, ulardagи kreativ tafakkur sifatlarini rivojlanishiga to’siq bo‘layotgan salbiy psixologik ta’sirlarini oldini olish, uni korreksiya qilish muammosi bugungi kunda kechiktirib bo’lmas muammolardan biri hisoblanadi.

ADABIYOTLAR:

1. Айзенк Г.Ю. Понятие и определение интеллекта// Вопросы психологии. – М.: 1995, – № 1. – С. 111–129.
2. Айзенк Г.Ю. Интеллект: новый взгляд// Вопросы психологии. – М.: 1995. – № 1. – С. 111–131.
3. Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта // Психология мышления / Под ред. А.М. Матюшкина. – М.: 1965. – С 433–456.
4. Дружинин В.Н. Психологическая диагностика способностей: теоретические основы: в 2 ч. – Саратов : Изд-во Сарат. ун-та, 1990 – Ч.1 –137 с; Ч. 2-С. 139–292.
5. Rogers, C. Towards a theory of creativity // ETS: A Review of General Semantics. 1954. 11 P. 249–260.
6. Sternberg R.J. Creativity for the new Millennium. «-», 2001.
7. Фозиев Э.Ф. Усмонова Ш. Интеллект психологияси. – Т.: ТошДУ, Университет, 1996, – 48 б.
8. Фозиев Э.Ф. Онтогенез психологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 2010, – 360 б.

СОДЕРЖАНИЕ

ФИЛОЛОГИЯ ИНДИВИДУАЛЬНОСТЬ И КОММУНИКАЦИЯ

| | |
|--|-----|
| INDIVIDUA KOMMUNIKATSIYA | 5 |
| ЛЕКСИКА ОРХОНСКИХ ПАМЯТНИКОВ И ЕЁ ОТРАЖЕНИЕ В КАРАКАЛ-ПАКСКОМ ЭПОСЕ «ҚЫРҚ ҚЫЗ»..... | 14 |
| ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА УЧЕБНОГО ДИСКУРСА И ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА..... | 20 |
| МЕСТО ЛИНГВИСКОКУЛЬТУРНЫХ ЕДИНИЦ, РЕПРЕЗЕНТИРУЮЩИХ УЗБЕКСКИЙ МЕНТАЛИТЕТ, В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ТЕКСТЕ | 27 |
| КОММЕНТАРИИ К ЖАНРАМ, СВЯЗАННЫМ СО СКАЗКАМИ..... | 34 |
| ЗНАЧЕНИЕ ПАМЯТИ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПОРТРЕТЕ | 39 |
| ЭТНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНАЯ И КУЛЬТУРНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПЕРИФРАСОВ | 43 |
| ДЕТСКИЕ ПЕСНИ, СОЗДАННЫЕ НА МОТИВЫ НАРОДНЫХ ПЕСЕН | 50 |
| ВЫРАЖЕНИЕ СЛОВ В СЛОВАРЯХ С НАРЕЧНЫМИ -ОНА АФФИКСАМИ | 54 |
| ИЗУЧЕНИЕ АРАБСКИХ СОГЛАСНЫХ ГРУППАМИ..... | 59 |
| ОКАНЬЕ В СИСТЕМЕ ГЛАСНЫХ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА..... | 65 |
| ПЕРЕЁНИМЫ – ОДИН ВИД ОНОМАСТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ | 70 |
| СЕМАНТИКА ОБРАЗОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ «МЫШЛЕННЫЕ ДНИ» АБДУЛЛЫ КАДИРИ | 74 |
| ГЕНДЕРНОЕ НЕРАВЕНСТВО И НАСИЛИЕ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ КОРЕЙСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ КУЛЬТУРЫ | 80 |
| СОСТАВ УЗБЕКСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ | 91 |
| SOME THOUGHTS ON TEACHING VISUAL EXPRESSIVENESS OF THE UZBEK LANGUAGE IN RUSSIAN-SPEAKING GROUP | 100 |
| REALIYALAR MILLIY MADANIYATNI ANGLATUVCHI BIRLIK SIFATIDA | 106 |
| INTONEMES ARE REPRESENTATIVES OF THE INTERNAL STATE OF THE COMMUNICANT | 111 |
| THE IMPORTANCE OF PRAGMALINGUISTIC FEATURES OF LANGUAGE TASKS IN INTERNATIONAL COMMUNICATION..... | 118 |
| ХУДОЖЕСТВЕННО-КОМПОЗИЦИОННЫЕ ЗАДАЧИ ЭПИСТОЛАРНОЙ ПУБЛИСТИКИ И ЛЕТРИСТА В ДЕТСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ..... | 125 |
| LINGUISTIC CULTURE UZBEK CULTURE..... | 131 |
| ПРАВОВОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И ЕГО ФОРМИРОВАНИЕ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА..... | 137 |
| ИЗУЧЕНИЕ КАДРОВ В ПОСЛОВИЦАХ С УЧАСТИЕМ «ВЕРБЛЮДА» | 142 |
| ZAMONAVIY LUG‘ATCHILIK TARAQQIYIT BOSQICHLARI..... | 148 |
| ИЗУЧЕНИЕ ЯЗЫКА КАРАКАЛПАКСКОГО ГЕРОИЧЕСКОГО ЭПОСА | 152 |

| | |
|---|-----|
| ETHNOOYKONYMS OF BUKHARA..... | 157 |
| “TEMUR MALIK” ASARIDAGI GIDRONIMLAR | 164 |
| MAIN GENRES AND FEATURES OF VIRTUAL COMMUNICATION | 169 |
| ПРОБЛЕМЫ ЯЗЫКА И СТИЛЯ В ГРАЖДАНСКОЙ ЖУРНАЛИСТИКЕ..... | 173 |
| О ВЫРАЖЕНИИ НЕКОТОРЫХ АВТОРСКИХ РЕЧЕВЫХ НЕОЛОГИЗМОВ В ПОЭЗИИ МУХАММАДА ЮСУФА..... | 179 |
| XALQ OG’ZAKI IJODIDA MAKTUBLAR..... | 186 |
| ПРОБЛЕМА КОНЦЕПТУАЛЬНОГО И НОВЕРБАЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ | 190 |
| XALQ SHE’RIYATIDA GUL SO‘ZI ASOSIDA OBRAZLILIKNING VUJUDGA KELTIRILISHI | 198 |
| ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА ЖИВОТНЫХ В ДЕТСКОЙ ПОЭЗИИ (НА ПРИМЕРЕ СТИХОВ АНВАРА ОБИДЖАНА)..... | 202 |
| ЖИВОТНЫЕ СИМВОЛЫ В ТВОРЕНИЯХ РАУФ ПАРФИ..... | 207 |
| ЧҮЛПОН ШЕЪРИЯТИДА ТАБИАТ РАМЗЛАРИ..... | 211 |
| ETYMOLOGICAL EXPLANATION OF THE PHENOMENON OF SONG AND THE PROFESSION THAT DENOTES IT..... | 215 |
| СТИЛИ ЖАНРА СКОРОГОВОРКА В СОВРЕМЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ... | |
| СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ СТУДЕНТОВ ОБ УЗБЕКСКОМ МУЗЫКАЛЬНОМ ФОЛЬКЛОРЕ | 220 |
| GENESIS AND DEVELOPMENT OF THE CONCEPTION AND THE CONCEPT “ROAD” | 224 |
| ОБРАЗНЫХ ПРИЕМОВ И ПОЭТИЧЕСКИХ ФИГУР, ХАРАКТЕРНЫХ ДЛЯ ТЕКСТОВ ЭССЕ | 228 |
| ПРО УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ АНЕКДОТОВ | 233 |
| О НЕКОТОРЫХ ЭТНОНИМАХ В «ДЕВОН» М.КОШФАРИЙ..... | 240 |
| YOZUVLAR TARAQQIYOTIDA BOBURNING O‘RNI..... | 245 |
| ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ ПАРЕМ, СОЗДАННЫХ НА ОСНОВЕ ЛСГ «НАСЕКОМЫХ»..... | 251 |
| J. K. ROULINGNING FANTASTIK ASARLARIDAGI ANTROPONIMLARNING LINGVO-PERSPEKTIV MUAMMOLARI..... | 257 |
| THE PRAGMALINGUISTIC FEATURES OF COORDINATING CONJUNCTIONS | 268 |
| ЧАСТНЫЕ ТЕРМИНЫ В НЕЧАСТНЫХ ДИСКУРСАХ | 273 |
| КИНОЛИНГВИСТИКА В КАЧЕСТВЕ ОТРАСЛИ ЯЗЫКОЗНАНИЯ | 278 |
| МУСЛИХАБЕГИМ МИСКИН - ПОЭТЕССА..... | 287 |
| НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ОБ УПОТРЕБЛЕНИИ СЛОВ В МЕДИЦИНСКИХ РЕКЛАМНЫХ ТЕКСТАХ | 283 |
| ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ И МИРОВОГО ОБЩЕСТВЕННО-ЛИТЕРАТУРНОГО ДВИЖЕНИЯ..... | 287 |
| ИМЕНА, ОБРАЗОВАННЫЕ НА ОСНОВЕ ИМЕНИ ЧЕЛОВЕКА. (БУХАРСКАЯ ОБЛАСТЬ, ВОБКЕНТСКИЙ РАЙОН НА ПРИМЕРЕ)..... | 294 |